

1	ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
	Тўлик:		Чет эл инвестицияси иштирокидаги «BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI» Акциядорлик жамияти					
	Қисқартирилган:		ЧЭИИ «BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI» АЖ					
Биржа тикерининг номи:		Мавжуд эмас						
2	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
	Жойлашган ери:		Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х.Байқаро кўчаси, 91-уй					
	Почта манзили:		Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х.Байқаро кўчаси, 91-уй					
	Электрон почта манзили:		bekspirt@mail.ru					
Расмий веб-сайти:		www.bektemit-spirt.uz						
3	МУҲИМ ФАКТ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ							
	Муҳим фактнинг рақами:		06					
	Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
	Умумий йиғилиш тури:		йиллик					
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:		30.06.2022					
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		08.07.2022					
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:		Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 9-уй					
	Умумий йиғилиш қворуми:		92,91 фоиз					
	№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш яқунлари					
			ёқлаш		қарши		бетарафлар	
%			сони	%	сони	%	сони	
1	Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йилда амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.	100	39 022 480	-	-	-	-	
2	Жамиятнинг 2021 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини эшитиш.	100	39 022 480	-	-	-	-	
3	Жамиятнинг 2021 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи, йиллик бизнес-режасининг бажарилиши бўйича ҳисоботи ҳамда жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.	100	39 022 480	-	-	-	-	

4	Жамият халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган 2021 йил учун молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2021 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижаларини кўриб чиқиш.	100	39 022 480	-	-	-	-
5	Жамиятда 2021 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.	100	39 022 480	-	-	-	-
6	Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.	100	39 022 480	-	-	-	-
7	Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини уч йил муддатга сайлаш.	-	-	-	-	-	-
8	Жамият Устави янги таҳрирда тасдиқлаш.	100	39 022 480	-	-	-	-
9	Жамият “Акциядорларининг Умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ҳамда “Бошқарув тўғрисида”ги низомларига ўзгартиришларни киритиш.	100	39 022 480	-	-	-	-
10	Жамиятнинг ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.	100	39 022 480	-	-	-	-
11	Жамият акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий ворислари ёхуд меросхўрлари томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларини жамият ихтиёрида қолдириш.	100	39 022 480	-	-	-	-
Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
1	Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йилдаги ишлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.						
2	Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият Тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.						
3	Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, йиллик бизнес-режасининг бажарилиши бўйича ҳисоботи ҳамда жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин ва жамият Бошқарувининг ҳисобот даврида амалга оширган ишлари қониқарли деб топилсин.						
4	Жамият халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган 2021 йил учун молиявий ҳисоботини тасдиқлансин. Халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2021 йил учун ўтказилган аудит текшириш хулосасини маълумот учун қабул қилинсин.						
5	Жамиятда 2021 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини маълумот учун қабул қилинсин. Жамиятда корпоратив бошқарув тизими даражасини ошириш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилсин.						
6	Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олинган жами 17 180 271 000 сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин: 5 фоиз миқдорида, яъни 859 013 550 сўм – жамиятнинг Заҳира фондида; 75,00 фоиз миқдорида, яъни 12 885 600 000,00 сўм, ҳар бир акцияга 306,80 сўмдан – 2021 йил якунлари бўйича дивидендга. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун муддат ичида акциядорларга дивидендни тўлашни жисмоний шахсларга пластик карточкалар орқали ва юридик шахсларга ҳисоб рақамларига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилсин;						

	<p>1,5 фоиз миқдорида, яъни 257 704 110,00 сўм, жамият Кузатув кенгаши аъзоларини 2021 йил якунлари бўйича мукофотлашга, шундан Кузатув кенгаши раисига 171802710,00 сўм ва Кузатув кенгаши аъзоларига 85901400,00 сўм;</p> <p>1,5 фоиз миқдорида, яъни 257 704 110,00 сўм, жамият Бошқарув аъзоларини 2021 йил учун тасдиқланган Бизнес-режа кўрсаткичларини ортиги билан бажарганлиги учун мукофотлашга, шундан Бошқарув Раисига 171802710,00 сўм, Бошқарув аъзоларига 85901400,00 сўм;</p> <p>10,0 фоиз миқдорида, яъни 1 718 027 100,0 сўм – жамият ишчи ходимларини 2021 йил якунлари бўйича рағбатлантиришга;</p> <p>7,0 фоиз миқдорида, яъни 1 202 222 130,0 сўм – жамиятнинг янада ривожлантириш, фаолиятини кенгайтириш мақсадлари учун.</p>
7	Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига уч йил муддатга Мурабит Адилханович Махмудов, Муппазал Саматова, Михаил Викторович Давыдкин, Азим Илхомиддинович Шакиров, Малика Абдугаффоровна Ракибова, Икрамбай Абдуллаевич Ниязметов ва Шуҳрат Холикович Пардаевлар сайлансин.
8	Жамият Устави янги таҳрирда тасдиқлансин. Жамият Устави янги таҳрири давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш жамият Бошқарув Раиси Ш.Т.Сраджидинов зиммасига юклатилсин.
9	Жамият “Акциядорларининг Умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ҳамда “Бошқарув тўғрисида”ги низомларига ўзгартиришларни киритилсин.
10	Жамиятнинг ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлансин.
11	Жамият акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий ворислари ёхуд меросхўрлари томонидан 2017 йил учун талаб қилиб олинмаган 7 637 820,60 сўм миқдорида дивидендлар жамият фойдасига олинсин.

Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар

Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар)	Ҳисобланган сумма (сўм)	Маблағлар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати
Махмудов Мурабит Адилханович	Кузатув кенгаши	ҳақ	316 184 991	январь-декабрь 2021 йил ва 2020 йил якуни	Рағбатлантириш низоми
Саматова Муппазал	Кузатув кенгаши	ҳақ	53 045 270,33	январь-декабрь 2021 йил ва 2020 йил якуни	Рағбатлантириш низоми
Давыдкин Михаил Викторович	Кузатув кенгаши	ҳақ	53 045 270,33	январь-декабрь 2021 йил ва 2020 йил якуни	Рағбатлантириш низоми
Абдужабборов Шерали Янгибаевич	Кузатув кенгаши	ҳақ	53 045 270,33	январь-декабрь 2021 йил ва 2020 йил якуни	Рағбатлантириш низоми
Алибеков Тимур Абдумухторович	Кузатув кенгаши	ҳақ	53 045 270,33	январь-декабрь 2021 йил ва 2020 йил якуни	Рағбатлантириш низоми
Муратов Акмал Хакимович	Кузатув кенгаши	ҳақ	53 045 270,33	январь-декабрь 2021 йил ва 2020 йил якуни	Рағбатлантириш низоми
Турсунов Достон Рустам ўғли	Кузатув кенгаши	ҳақ	53 045 270,33	январь-декабрь 2021 йил ва 2020 йил якуни	Рағбатлантириш низоми

Срадждинов Шовкат Тулқунович	Бошқарув	ҳақ	165 236 560	2020 йил якуни	Рағбатлан- тириш низоми
Вафаев Фуркат Абдушарифович	Бошқарув	ҳақ	33 047 312	2020 йил якуни	Рағбатлан- тириш низоми
Мирзамойдинов Шухратилло Кадирбаевич	Бошқарув	ҳақ	16 523 656	2020 йил якуни	Рағбатлан- тириш низоми
Ахмадқулов Азизбек Ботиржон ўғли	Бошқарув	ҳақ	16 523 656	2020 йил якуни	Рағбатлан- тириш низоми
Кадиров Одил Муратович	Бошқарув	ҳақ	16 523 656	2020 йил якуни	Рағбатлан- тириш низоми
Ниязметов Икрамбай Абдуллаевич	Тафтиш комиссияси	ҳақ	45 258 972	январь-декабрь 2021 йил	Рағбатлан- тириш низоми
Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:					
Номзодлар тўғрисида маълумот					
№	Ф.И.Ш.	Иш жойи, лавозими	Тегишли акциялар		Овозлар сони
			сон	тури	
1	Махмудов Мурабит Адилханович	ЧЭИИ "Toshkentvino kombinati" АЖ Бош директори	2 352 000	оддий	39 022 480
2	Саматова Муппазал	Хусусий тадбиркор	0	-	39 022 480
3	Давыдкин Михаил Викторович	"MEGA TRADE COMUNICATION" МЧЖ ҚҚ директори	0	-	39 022 480
4	Шакиров Азим Илхомиддинович	"BEVER" ХК МЧЖ ходими	0	-	39 022 480
5	Ракибова Малика Абдугаффоровна	"BEVER" ХК МЧЖ ходими	0	-	39 022 480
6	Ниязметов Икрамбай Абдуллаевич	ЧЭИИ "Toshkentvino kombinati" АЖ Бош директори ўринбосари	99 960	оддий	39 022 480
7	Пардаев Шухрат Холикович	ЧЭИИ "Toshkentvino kombinati" АЖ Бош ҳисобчи	13 440	оддий	39 022 480
Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни: Устав илова қилинади					

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.:

Срадждинов Шовкат Тулқунович

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.:

Боймирзаев Зокиржон Қўрбонбоевич

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.:

Муллоджанов Улугбек Абдулаевич

ChEI «BEKTEMIR-SPIRT
EKSPERIMENTAL ZAVODI» AJ
акциядорларининг 2022 йил 30 июндаги
йиллик Умумий йиғилиши қарори билан

«ТАСДИКЛАНГАН»

**Chet el investitsiyasi ishtirokidagi
«BEKTEMIR-SPIRT
EKSPERIMENTAL ZAVODI»
Aksiyadorlik jamiyatining**

У С Т А В И
(янги тахрири)

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар	3
2. Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, юридик мақоми	3
3. Жамият фаолиятининг мақсади ва соҳаси (асосий йўналишлари)	4
4. Устав фонди	5
5. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар	5
5.1. Акциялар	5
5.2. Корпоратив облигациялар	6
5.3. Акциялар ва корпоратив облигацияларни жойлаштириш	6
5.4. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда имтиёзли олиш ҳуқуқи	7
5.5. Жойлаштирилган акцияларни Жамият томонидан олиш	8
6. Акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	9
7. Даромади (фойда)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби	10
8. Захира ва бошқа фондлар	12
9. Жамиятни бошқариш ва Жамият фаолиятини назорат қилиш	12
9.1. Акциядорларининг Умумий йиғилиши	13
9.2. Кузатув кенгаши	16
9.3. Бошқарув	20
9.4. Ички аудит Хизмати	22
9.5. Аудиторлик ташкилоти	22
10. Ҳисоб ва ҳисобот	23
11. Хужжатларни сақлаш	23
12. Жамият ва Жамиятнинг аффилиланган шахслари тўғрисидаги ахборот	24
13. Жамият томонидан йирик битимлар тузиш	24
14. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш	25
15. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш	25
16. Яқуний қоидалар	25

1. Умумий қондалар

1.1. Chet el investitsiyasi ishtirokidagi «BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI» Aksiyadorlik jamiyatining (bundan буён матнда Жамият деб юритилади) мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (bundan буён матнда Қонун деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб ҳамда акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган «Корпоратив бошқарув кодекси»га (bundan буён матнда Корпоратив бошқарув кодекси деб юритилади) мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 декабрдаги 581-ф-сонли Фармойишига, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 24 июлдаги 23 к-ПО сонли буйруғига ва Жамият таъсисчиларининг 2007 йил 26 июнда ўтказилган таъсис йиғилиши қарорига асосан ташкил этилган.

2. Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили), юридик мақоми

2.1. Жамиятнинг фирма номи:

давлат тилида лотин алифбосида:

тўлиқ номи – **Chet el investitsiyasi ishtirokidagi «BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI» Aksiyadorlik jamiyati;**

қисқартирилган номи – **ChEИ «BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI» AJ;**

давлат тилида кирилл алифбосида:

тўлиқ номи – **Чет эл инвестицияси иштирокидаги «BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI» Акциядорлик жамияти;**

қисқартирилган номи – **ЧЭИИ «BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI» АЖ;**

рус тилида:

тўлиқ номи – **Акционерное общество с иностранными инвестициями «BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI»;**

қисқартирилган номи – **АО ИИ «BEKTEMIR-SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI».**

Жамият ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эгадир.

2.2. Жамиятнинг жойлашган ери ва почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х.Байқаро кўчаси, 91-уй.**

Электрон почта манзили: **bekspirt@mail.ru.**

Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

2.3. Жамият **чекланмаган муддатга** ташкил қилинган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлди.

2.4. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинмаган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг Устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.5. Жамият ўз фаолияти натижасида олинган ва харид қилинган акцияларни сотиб олиш ҳисобига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келмаган бошқа асосларга кўра берилган мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланади.

2.6. Молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида Жамият амалдаги қонунчиликка мувофиқ барча турдаги шартномавий муносабатларни амалга оширишга ҳақли.

2.7. Жамият қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турлари билан шуғулланиш, бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, филиаллар тузиш ва ваколатхоналар очишга, уюшма ва ассоциацияларга киришга ҳақлидир.

2.8. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим.

2.9. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.10. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб варақлар очишга ҳақлидир.

2.11. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.12. Жамият қонунчилигига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ мазкур Уставда қайд этилмаган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасига бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

3. Жамият фаолиятининг мақсади ва соҳаси (асосий йўналишлари)

3.1. Жамият фаолиятининг мақсади ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва фойда олишдир.

3.2. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) қуйидагилардан иборат:

озуқавий этил спирти ишлаб чиқариш, реализация қилиш;

озуқавий этил спиртининг сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва ишлаб чиқаришга йўналтириш.

3.3. Жамият ўзининг юқоридаги асосий йўналишларини бажариш билан биргаликда қуйидаги фаолиятлар билан қўшимча равишда шуғулланиш мумкин:

яхна ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

фармацевтик, парфюмерия косметика буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва реализация қилиш;

ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

инвестиция, ташқи иқтисодий, илмий проектлаш, воситачилик, қурилиш монтаж ишлари, сервис хизмати кўрсатиш;

янги технологияларни, НОУ-ХАУларни ишлаб чиқиш, жорий этиш;

хорижий мамлакатларда савдо уйлари очиш;

ташқи иқтисодий фаолият, экспорт ва импорт операциялари Ўзбекистон Неспубликасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда амалга ошириш;

қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа фаолиятлар билан шуғулланиш.

3.4. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

4. Устав фонди

4.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ҳамда Жамиятнинг Устав фонди Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

4.2. Жамият Устав фонди **21 000 000 000** (йигирма бир миллиард) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати **500** (беш юз) сўм бўлган **42 000 000** (қирқ икки миллион) дона оддий акциядорлар олган акцияларга (жойлаштирилган акцияларга) бўлинган.

4.3. Жамиятнинг Устав фонди:

қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин;

акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.4. Жамиятнинг Устав фондиди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг Устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

4.5. Жамиятнинг Устав фондиди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.6. Жамиятнинг Устав фондиди камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг Устав фондиди камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг Умумий йиғилиши Устав фондиди камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.7. Жамият Устав фондиди камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият Устав фондидининг Жамият Уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонунчиликда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

5. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар

5.1. Жамият қонунчилик ва мазкур Уставига мувофиқ акциялар, корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

5.1. Акциялар

5.1.1. Жамият томонидан номинал қиймати **500** (беш юз) сўмдан бўлган **21 000 000 000** (йигирма бир миллиард) сўмлик **42 000 000** (қирқ икки миллион) дона оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

5.1.2. Жамиятнинг Устав фондиди кўпайтириш билан боғлиқ Жамият томонидан акциялар чиқарилиши ва жойлаштириш Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

5.1.3. Қўшимча акциялар эълон қилинган мазкур Уставда белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин. Акцияларни қўшимча чиқариш фақат Жамиятнинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг Устав фондиди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарориди (қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарори) жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланади.

5.1.4. Жамиятнинг оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

5.1.5. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – акциядор деб эътироф этилади.

5.1.6. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

5.1.7. Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

5.1.8. Жамиятнинг оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

5.2. Корпоратив облигациялар

5.2.1. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни, чиқарилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги қарори Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

5.2.2. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

5.2.3. Устав фондининг шаклланганига қадар, шунингдек, уни тўлдириш ёки Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун корпоратив облигациялар чиқаришга йўл қўйилмайди.

5.2.4. Корпоратив облигациялар уларнинг эгаларига Жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди.

5.2.5. Корпоратив облигация унинг олинган вақтидан қатъи назар, бир чиқарилиш ичида ҳуқуқларни амалга оширишда тенг ҳажмлар ва муддатларга эга.

5.3. Акциялар ва корпоратив облигацияларни жойлаштириш

5.3.1. Жамият томонидан акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5.3.2. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ обуна ўтказишга ҳақли.

Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

5.3.3. Қимматли қоғозлар очиқ обуна йўли билан жойлаштирилганда Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда қимматли қоғозларни жойлаштириш бошланишига камида **икки ҳафта** қолганида, қуйидаги ахборотни ошкор этилади:

қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни;

Жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, давлат статистикаси ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамлари; фаолиятнинг асосий йўналишлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат) турлари; мустақил рейтинг баҳоси, агар унинг шундай баҳоси бўлса, тегишли изоҳлари билан; қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш шартлари.

Ушбу ахборотни:

агар Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса, мажбурий равишда ошкор қилиш фақат фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади;

агар Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилмаган бўлса, мажбурий равишда ошкор қилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида амалга оширилади.

5.3.4. Акцияларнинг очиқ обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

5.3.5. Ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, жойлаштириш ҳажмидан қатъи назар, амалга ошган деб эътироф этилади.

5.3.6. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи Жамият Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5.3.7. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

5.3.8. Жамиятнинг Устав фонди кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.3.9. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.3.10. Агар Жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки юз** бараваридан кўпни ташкил этса, Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.3.11. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.3.12. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан **бир йилдан** ошмаслиги керак.

Жамиятнинг жойлаштирилмаган акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари ушбу бандининг кўрсатилган муддат ўтганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

5.3.13. Жамият рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати ўтган кундан кейин **қонунчиликда белгиланган муддатда**, агар барча қимматли қоғозлар ушбу муддат ўтишидан олдин жойлаштирилган бўлса – ушбу чиқаришдаги сўнгги қимматли қоғозни жойлаштириш кунидан кейин **қонунчиликда белгиланган муддатда** рўйхатдан ўтказувчи органга қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришномани тақдим этади.

5.4. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда имтиёзли олиш ҳуқуқи

5.4.1. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг

эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига (бундан буён матнда имтиёзли ҳуқуқ деб юритилади) эга.

5.4.2. Имтиёзли ҳуқуқни қўллагаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан **бир йилдан** ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4.3. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

5.4.4. Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

5.4.5. Жамият акцияларнинг ёки акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан **ўн кун** ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишни таклиф этиши шарт.

Билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

5.4.6. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан **ўн кундан** кам ва **ўттиз кундан** кўп бўлиши мумкин эмас.

5.4.7. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги хужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

5.4.8. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

5.4.9. Жамият имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни уларни олиш бўйича имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштиришга ҳақли эмас.

5.4.10. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозлар уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда Жамият томонидан реализация қилинади.

5.4.11. Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

5.5. Жойлаштирилган акцияларни Жамият томонидан олиш

5.5.1. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар Умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5.5.2. Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати Жамият Устав фондининг қонунчиликда назарда тутилган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йўли билан Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

5.5.3. Акциядорлар Умумий йиғилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида Жамият томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

5.5.4. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинadиган акцияларнинг турлари, Жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олинishi белгилаб қўйилиши керак.

5.5.5. Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилади. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат **ўн кундан** кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

5.5.6. Қайси муайян турдаги акцияларни олиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ўша акцияларнинг эгаси бўлган ҳар бир акциядор мазкур акцияларни сотишга ҳақли, Жамият эса уларни олиши шарт. Агар Жамият томонидан олинishi тўғрисида акциядорларнинг аризалари тушган акцияларнинг умумий сони мазкур Уставда белгиланган чекловлар ҳисобга олинган ҳолда Жамият олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиқ бўлса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равишда акциялар олинади.

5.5.7. Акциялар олинadиган муддат бошланишига кечи билан **ўн кун** қолганда Жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни Жамият томонидан акциялар олинishi тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт. Билдиришда мазкур Уставнинг **5.5.4. бандида** кўрсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим.

5.5.8. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

5.5.9. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Жамият тасарруфига ўтган акциялар улар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан **бир йилдан** кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг Умумий йиғилиши Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

5.5.10. Жамият томонидан ўз акцияларининг олинishi, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мустақил равишда ёки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари орқали амалга оширилади.

5.5.11. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

6. Акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг Умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар учун овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш;

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

6.3. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни – мазкур акциялар эгасини Қонунида белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Қонунга ва Жамият Уставига мувофиқ акциядорларнинг Умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

6.5. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

Жамиятга зарар етказилиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;

имкон қадар Жамият бошқа органлари томонидан қарорлар қабул қилинишини чеклайдиган ёхуд тўсқинлик қиладиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслик, акциядорнинг қонунчилик билан назарда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириш бундан мустасно;

қонунчилик, мазкур Устав ва акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар билан назарда тутилган муддат, тартиб ва усулларда акцияларни тўлаш;

Устав талаблари ҳамда Жамият бошқарув органлари қарорларини бажариш;

акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди;

миноритар акциядор ҳужжатларини асосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Бошқарув фаолиятига тўсқинлик йўл қўймаслик,

Жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни сақлаш;

қонунчилик, мазкур Устав ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

7. Даромади (фойда)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби

7.1. Солиқлар ва мажбурий тўловлар амалга оширилганидан сўнг Жамият тасарруфида қолган даромад (фойда)ни тақсимлаш Жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

7.2. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

7.3. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.4. Дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

7.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.6. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7.7. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.9. Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.10. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.11. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

7.12. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

Жамият акциядорларининг реестридан олинган, Жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

7.13. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.14. Дивидендлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Акциядор Жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноат-лантирилганда дивидендлар Жамият томонидан тўланмаган тақдирда, Жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

7.15. Жамият:

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва Захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандида кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.16. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

7.17. Жамият фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келган зарарларни акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори асосида қонунчилик билан йўл қўйиладиган Жамиятнинг маблағлари ҳисобига қопланади. Бошқа маблағлар етишмаган ёки мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини Жамиятнинг Захира фонди ҳисобига қоплаш мумкин.

8. Захира ва бошқа фондлар

8.1. Жамият Устав фондининг **15 (ўн беш) фоизи** миқдорида Захира фондини ташкил этилади. Жамиятнинг Захира фонди Жамиятнинг Устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан камида **5 (беш) фоиз** миқдорида мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг Захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг Захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Жамиятнинг Захира фонди қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.4. Жамият бошқа мақсадли фондларни ташкил этишга ҳақли. Фондарнинг мақсади, миқдори, ташкил қилиш манбалари ва фойдаланиш тартиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

9. Жамиятни бошқариш ва Жамият фаолиятини назорат қилиш

9.1. Жамиятни бошқариш қонунчилик, мазкур Устав ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9.2. Жамиятни бошқариш акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ҳамда Бошқарув томонидан амалга оширилади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши – Жамият бошқарувининг юқори органи.

Кузатув кенгаши – Жамият фаолиятининг умумий бошқарувини амалга оширувчи Жамиятнинг бошқарув органи, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

Бошқарув – Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижро органи, акциядорлар Умумий йиғилиши ҳамда Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.3. Жамиятнинг **ички аудит Хизмати** Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган

талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит Хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

9.4. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва унга хулосаларни бериш Жамият билан тузилган шартнома асосида Жамият ваколатли орган томонидан белгиланган **аудиторлик ташкилоти** амалга оширади.

9.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши

9.1.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.1.2. Акциядорлар Умумий йиғилиши ўз ишини қонунчилик, мазкур Устави ва акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисидаги низоми асосида амалга оширади.

9.1.3. Жамият **ҳар йили** акциядорларнинг Умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

9.1.4. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши, қоида тариқасида, **ҳар йили 27 июн** кунда ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва Қонунда белгиланган бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида **бир фоизига** эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин **тўқсон кундан** кечиктирмай акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга, фойдани тақсимлаш ҳамда Жамият Кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар (Умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатишга ҳақли.

9.1.5. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган Умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида **беш** фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.1.6. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Жамият Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг Устав фондини камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Жамият акциядорларнинг Умумий йиғилиши тўғрисидаги, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек Жамиятнинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларни тасдиқлаш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, Жамият Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Қонунда ва мазкур Уставда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

акциядорлар Умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йирик-лаштириш;

Қонунда ва мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият Ички аудит хизмати тўғрисидаги, Ички назорат тўғрисидаги, Дивиденд сиёсати тўғрисидаги ва Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.1.7. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (**оддий кўпчилик**) овози билан қабул қилинади.

9.1.8. Қуйидаги масалалари бўйича:

Жамият Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

Қонунда ва мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг **тўртдан уч қисмидан** иборат кўпчилик (**малакали кўпчилик**) овози билан қабул қилинади.

9.1.9. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

9.1.10. Акциядорлар Умумий йиғилишини кун тартибига масалалар киритишга таклиф кўриб чиқиш, уни чақириш, шунингдек акциядорларнинг Умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиблари Қонун мувофиқ Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисидаги низомда белгиланади.

9.1.11. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.1.12. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан **ўн кундан** кам ва **ўттиз кундан** кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

9.1.13. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш чоғида Умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

9.1.14. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, шунингдек жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоллигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси киради.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

9.1.15. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан **Санок комиссияси** тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Санок комиссияси акциядорларнинг Умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини Жамиятнинг архивига топширади ҳамда Умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имконини беради.

9.1.16. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан **уч иш кун** олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

9.1.17. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг Умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

9.1.18. Агар акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **эллик** фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг Умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **қирқ** фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий Умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

9.1.19. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш **«жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз»** принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

9.1.20. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади.

9.1.21. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари Қонунда ҳамда мазкур Уставда назарда тутилган тартиб ва муддатларда **ўттиз кундан** кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган Умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали **қонунчиликда белгиланган муддатда** акциядорлар эътиборига етказилади.

9.2. Кузатув кенгаши

9.2.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва мазкур Устави билан акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

9.2.2. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.

9.2.3. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони **етти** кишидан иборат.

Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан **уч йил** муддатга сайланади.

9.2.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият Бошқаруви аъзолари Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарихда олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Жамият Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан **кўпчилик** овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз Раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан **кўпчилик** овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

9.2.5. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Жамиятнинг Устав фондини эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

акцияларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини қимматли қоғозлар савдоси

ташкilotчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;
акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;
корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;
эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига (қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага) ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида қарор қабул қилиш;
корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, бундан Қонун **65-моддасининг ўн биринчи қисмида** назарда тутилган ҳоллар мустасно;
акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани белгилаш;
Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
Жамият Бошқарув аъзоларини (шу жумладан Бошқарув Раисини) тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
Жамиятнинг Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни белгилаш;
Жамият Бошқарув аъзолари (шу жумладан Бошқарув Раиси) билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш, шартномаларни қайта тузиш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;
ички аудит Хизматини ташкил этиш, ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек **ҳар чоракда** унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
ахборот сиёсати тўғрисидаги низомини тасдиқлаш;
Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкilotини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
Жамиятнинг Захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
Қонуннинг **8 ва 9-бобларида** ва мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) юзасидан қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳамда Бошқарув томонидан Кузатув кенгаши муҳокамасига киритилган масалаларни ҳал этиш.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

9.2.6. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг Умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.2.7. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзосининг, шунингдек Жамият овоз берувчи акцияларининг камида **беш** фоизга эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақирилади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзосининг, шунингдек Жамият овоз берувчи акцияларининг камида **бир** фоизга эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақирилади.

Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан **ҳар чоракда камида бир марта** чақирилади. Зарурият кўра Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари **чоракда бир мартадан кўпроқ** ўтказилиши мумкин.

Янги **уч йил** муддатга сайланган Кузатув кенгашининг биринчи мажлиси Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан мажлис чақирилиши тўғрисидаги бошқа Кузатув кенгаши аъзоларини хабардор қилиш орқали чақирилади. Кузатув кенгашининг ушбу мажлисида Жамият Кузатув кенгаши Раисини сайлаш масаласи кўриши шарт.

Мазкур бандининг **биринчи хатбошида** белгиланган шахс томонидан Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги ёзма талаб келиб тушган тақдирда, Кузатув кенгашининг Раиси келиб тушган талабни кўриб чиқишга мажбур. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабда мажлис кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган ҳамда мажлис чақирилишини талаб қилаётган шахснинг электрон манзили бўлиши керак. Талаб тақдим этган санадан эътиборан **ўн кун** ичида Жамият Кузатув кенгашининг Раиси мажлисни чақириш тўғрисида ёки мажлисни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак. Чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда талабда кўрсатилган масалани (масалаларни) кўриб чиқиш бўйича Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши Раиси томонидан тегишли талаб олинганидан бошлаб **ўттиз кундан** кечиктирмай ўтказилиши керак. Жамият Кузатув кенгаши Раиси томонидан мажлиси чақириш ёки бундай мажлисни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори мажлис чақиришни талаб қилган шахсга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан **уч** кундан кечиктирмай электрон манзил орқали юборилади.

9.2.8. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум аниқланади. Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида **етмиш беш** фоизи иштирок этганида кворум ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг **етмиш беш** фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бошқарув Раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

9.2.9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда Жамият Кузатув кенгаши ваколатли бўлади. Кузатув кенгаши мажлисини Кузатув кенгаши Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири очади, мажлис кун тартибини эълон қилади ва мажлисини олиб боради. Йиғилиш кун тартиби масаласи бўйича

Кузатов кенгаши Раиси, Кузатов кенгаши аъзоси ёки кун тартиби масаласи бўйича маъруза билан таклиф этилган шахс чиқишлари тингланади. Чиқишларнинг натижаларига кўра кун тартибидаги масала муҳокама қилинади. Овозга қўйилган савол бўйича овоз берилади. Кузатов кенгаши Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, унинг Кузатов кенгашининг аъзоларидан бири овозга қўйиш натижаларини ва қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттиради. Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилиши натижасига кўра, кўрсатилган шахс йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

9.2.10. Жамият Кузатов кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатов кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи Қонун ва мазкур Уставда, ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатов кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатов кенгашининг **ҳар бир аъзоси битта овозга** эга бўлади. Жамият Кузатов кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатов кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Жамият Кузатов кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Жамият Кузатов кенгаши Раиси **ҳал қилувчи овозига** ҳуқуқи эга.

Жамият Кузатов кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатов кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Қонуни **18-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида** ва мазкур Устави **4.4. ва 4.6. бандида** кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият Кузатов кенгаши томонидан **бир овоздан** қабул қилинади.

9.2.11. Жамият Кузатов кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатов кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **ўн кундан** кечиктирмай тузилади.

Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлисининг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатов кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатов кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

9.2.12. Жамият Кузатов кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатов кенгаши акциядорларнинг Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг Бошқарувига Кузатов кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

9.2.13. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият Кузатов кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатов кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

9.2.14. Жамият Кузатов кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидagi жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатов кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан Қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир** фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Кузатов кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

9.3. Бошқарув

9.3.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи Жамият **Бошқаруви** томонидан амалга оширилади.

9.3.2. Жамият Бошқаруви ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Бошқаруви тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.

9.3.3. Жамият Бошқарув аъзоларининг сони **беш** кишидан иборат. Бошқарув таркибига Раис ҳамда Жамиятнинг асосий тузилмавий хизматлари ва бўлинмаларнинг раҳбарлари киради. Бошқарув раҳбари Бошқарув Раиси ҳисобланади.

Бошқарув аъзоларини (шу жумладан Бошқарув Раисини) тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

Бошқарув аъзоларини (шу жумладан Бошқарув Раисини) тайинлаш учун танлов ўтказиш тартиби Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Жамият Бошқарув аъзоларининг, шу жумладан Бошқарув Раиси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, мазкур Уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан **уч йил** муддатга тузадиган шартномада белгиланади.

Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг Раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Жамият Бошқарувининг Раиси билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак. Жамиятнинг Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар шартнома шартларини бузган тақдирда, Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракат-сизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга. Жамият Кузатув кенгаши Жамият Бошқарувининг аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар мазкур Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

Жамиятнинг Бошқарув аъзоларининг (шу жумладан Бошқарув Раисининг) шартномаларини амал қилиш муддатини узайтириш, шартномаларни қайта тузиш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида Кузатув кенгаши томонидан **ҳар йили** қарор қабул қилинади.

Бошқарув аъзоларининг (Бошқарув Раисдан ташқари) шартномаларини амал қилиш муддатини узайтириш, шартнома-ларни қайта тузиш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор Бошқарув Раиси тақдимномасига биноан амалга оширилади.

9.3.4. Жамиятнинг Бошқарув Раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

9.3.5. Жамият Бошқарувнинг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бошқарувнинг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Акциядорлар Умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш, бажарилаётган ишларни ҳамда хизмат кўрсатилаётган нархларини тасдиқлаш;

Жамиятнинг акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Жамият фойдасини тақсимлаш тўғрисидаги тавсияни тайёрлаш учун Кузатув кенгашига таклифни киритиш;

Бошқарув Раиси томонидан киритилган масалаларни ҳал этиш;
қонунчилик ва мазкур Устави мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.3.6. Жамиятнинг Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув Раиси ташкил этади, у Жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда Жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, Жамиятнинг Бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

Жамият Бошқарув мажлислари унинг Раиси томонидан заруриятига кўра Бошқарувнинг бошқа аъзоларига хабар бериш йули билан чақирилади.

Жамиятнинг Бошқаруви мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда Жамият Бошқаруви ваколатли бўлади. Бошқарув мажлисини ўтказиш учун кворум Бошқарув аъзолигига сайланган аъзоларнинг камида **олтмиш** фоизи иштирок этганида кворум ҳисобланади.

Бошқарувнинг мажлисида қарорлар агар қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади.

Жамият Бошқаруви мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси **битта** овозга эга бўлади. Бошқарувнинг бир аъзоси ўз овозини Бошқарувнинг бошқа аъзосига йўл қўйилмайди. Бошқарув аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолларда Бошқарувнинг қарорини қабул қилишда Жамият Бошқаруви Раисининг овози хал қилувчи овоз ҳисобланади.

Жамият Бошқарувнинг мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **уч кундан** кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Бошқарув мажлисининг баённомаси Бошқарув Раиси томонидан имзоланади, у мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Жамият Бошқаруви мажлисининг баённомасидан кўчирмани Жамият Бошқарув Раиси имзоланади, у мажлис баённомаси ишончилиги учун жавобгар бўлади.

9.3.7. Жамият Бошқаруви Раиси қуйидаги ваколат доирасига киради:

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

Жамият номидан битимлар тузиш;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

штатларни тасдиқлаш ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритиш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

Жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

Жамият номидан ҳаракат қилиш учун ишончномалар бериш;

банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа рақамлар очиш;

муовинлар орасида мажбуриятларни тақсимлаш ва ходимлар иш мажбуриятлари бўйича қўлланмаларни тасдиқлаш;

Жамиятнинг акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ёки Бошқарув ваколатларига киритилмаган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Жамият кундалик фаолиятини амалга ошириш ва акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ёки Бошқарув ваколатларига киритилмаган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

9.3.8. Бошқарув Раиси куйидагиларга мажбур:

Жамиятнинг йиллик бизнес-режалари, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлаш;

Жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, ходимларнинг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қоибилиятларидан самарали равишда фойдаланиш бўйича чораларни кўриш;

Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилиниши ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлаш;

Жамият ва унинг ходимлари томонидан Жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тегишли ҳолати ва ҳаққонийлиги ташкил қилинишини таъминлаш;

бир йилда бир марта акциядорлар Умумий йиғилишида йиллик ҳисоботи тўғрисида тақдим этиш;

ҳар чоракда Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг ҳолати тўғрисида ҳисобот бериш;

тегишли органлар, акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларида Жамиятнинг ҳар йилги молиявий ва бошқа ҳисоботи, фаолияти тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни ўз вақтида тақдим этилиши ва чоп этилишини назорат қилиш;

акциядорларга қонунчилик билан бериладиган ҳуқуқларини ҳимоя қилишини таъминлаш; маъмурий харажатлар ҳисоби ва бошқалар билан тасдиқланган маблағлар доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва харажатларни амалга ошириш;

шартномалар бўйича мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш;

қонунчилик ва мазкур Устави мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

9.3.9. Жамият Бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан Қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир** фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

9.4. Ички аудит Хизмати

9.4.1. Жамиятнинг **ички аудит Хизмати** вазифалари мазкур Уставнинг **9.4. бандида** белгиланган.

9.4.2. Жамиятнинг ички аудит Хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

9.5. Аудиторлик ташкилоти

9.5.1. **Аудиторлик ташкилоти** – аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсдир.

9.5.2. Жамият **ҳар йили** йиллик молиявий ҳисоботини текшириш ва тасдиқлаш учун Жамият ёки унинг акциядорлари билан мулкий манфаатдорликда бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб қилиши шарт.

Аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

9.5.3. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

9.5.4. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

10. Ҳисоб ва ҳисобот

10.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

10.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга **ҳар йилги** ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият Бошқаруви зиммасида бўлади.

10.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг Умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

10.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ва чораклик ҳисоботлари Бошқарув Раиси тайёрлайди.

10.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ва чораклик ҳисоботлари қонунчилик талабларига кўра тузилади.

10.6. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан **ўн** кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

10.7. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

11. Ҳужжатларни сақлаш

11.1. Жамият:

Жамиятнинг Уставини, Уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни; акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

Жамият акциядорлари Умумий йиғилишларининг, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек Жамият Бошқарув Раисининг буйруқларини;

Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

Жамият акциядорларининг реестрларини;

Аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Жамият қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

12. Жамият ва Жамиятнинг аффилиланган шахслари тўғрисидаги ахборот

12.1. Жамият мазкур Уставининг **11.1.-моддасида** назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, Бошқарув мажлисларининг баённомалари, шунингдек Жамият Бошқарув раисининг буйруқлари ва Жамият акциядорларининг реестри мустасно.

12.2. Жамият акциядорнинг ёзма талабига кўра унга мазкур Уставда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт.

Ҳақ миқдори Жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак.

Жамият сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли.

12.3. Жамият акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра **уч** иш куни ичида уларга Жамиятнинг Устави, шу жумладан Уставга киритилган ўзгартиш ва кўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт.

Жамият акциядорнинг талабига кўра унга Жамият Уставининг кўчирма нусхасини бериши шарт.

12.4. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

Агар Жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса фонд биржасининг расмий веб-сайтида Жамият Уставининг матнини, шу жумладан унга доир ўзгартиш ва кўшимчаларни, шунингдек ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилиши шарт.

Фонд биржасининг расмий веб-сайтида ахборотнинг ошкор қилинганлиги Жамиятни қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат органларининг ёзма сўровига кўра ахборот тақдим этиш мажбуриятдан озод қилмайди.

12.5. Жамиятнинг аффилиланган шахси қонунчилик мувофиқ аффилиланганлик асослари вужудга келган пайтдан эътиборан **уч иш** кунидан кечиктирмай Жамиятни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Агар аффилиланган шахснинг айби билан кўрсатилган ахборот тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида Жамиятга мулкий зарар етказилган бўлса, аффилиланган шахс Жамият олдида ўзи етказган зарар миқдоридан жавобгар бўлади.

12.6. Жамият ўзининг аффилиланган шахслари ҳисобини юритиши ва улар тўғрисида қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳисобот тақдим этиши шарт. Жамият аффилиланган шахслар рўйхатини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда ҳар йили эълон қилиши шарт.

13. Жамият томонидан йирик битимлар тузиш

13.1. Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг **ўн беш** фоизидан ортигини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

13.2. Йирик битим Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин Жамиятнинг Бошқарув томонидан амалга оширилади.

13.3. Йирик битим тузиши тўғрисидаги қарор Қонунга мувофиқ қабул қилинади.

14. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш

14.1. Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур Жамиятга нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

14.2. Жамиятнинг аффилланган шахслари деб қонунчилик мувофиқ эътироф этилади.

14.3. Аффилланган шахс Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотлар бериши, ушбу шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиши ва аффилланган шахс билан тузилаётган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш тартиблари, ҳамда аффилланган шахс билан битимлар тузишдаги истиснолар қонунчиликда белгиланади.

14.4. Агар аффилланган шахс билан тузилаётган битим айти бир вақтда йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига қонунчиликда белгиланган йирик битим тузишга доир қоидалар қўлланилади.

15. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамият Умумий йиғилиш қарорига ёки суднинг қарорига кўра тугатилиши мумкин.

Жамиятни тугатилиши қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

16. Яқуний қоидалар

16.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

16.2. Мазкур Уставда ўз аксини топмаган масалалар Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

16.3. Агар қонунчиликда мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар бўлса, қонунчилик қоидалари қўлланилади.

**ChEП «BEKTEMIR-SPIRT
EKSPERIMENTAL ZAVODI» AJ
Бошқарув Раиси**

Ш.Т.Срадждинов